



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

402 Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари-
да меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 26-бан-
дига ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1971-1*

(2010 йил 16 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 8-модда) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги қарорига Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) мувофиқ **бужраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 8 июндаги 29/Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 1971, 2009 йил 18 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 25-сон, 293-модда) билан тасдиқланган Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг 26-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатига (рўйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 355-модда) мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароити мавжуд ишларга қабул қилинмаслиги лозим».

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва «Ўзкоммунхизмат» агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 3 ноябрь,
184-Б-сон

Келишилди:

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИКРАМОВ

2010 йил 25 октябрь

*Монополиядан чиқариш ва
рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси*

Ж. ИСМАИЛОВ

2010 йил 25 октябрь

*«Саноатгеоиконтехназорат»
давлат инспекцияси бошлиги*

Б. ГУЛЯМОВ

2010 йил 25 октябрь

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Д. ЖАҲОНГИРОВА

2010 йил 25 октябрь

*«Ўзкоммунхизмат» агентлиги
бош директори*

Ў. ХАЛМУХАММЕДОВ

2010 йил 25 октябрь